

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон давлат консерваторияси.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24 » 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25 » 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларинини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

	бет
T/p	
1. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари....	4
1.2.3. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари.....	5
1.2.4. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. <b><i>60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)</i></b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар .....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	7
Келишув вараги.....	8

## **1. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги )** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат датурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби **60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги )** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- Олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги )** бакалавриат таълим йўналиши – фан, таълим ва санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, санъат ва маданият муассасаларида, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида, давлат корхона ва ташкилотларида, таълим муассасаларида, турли фондлар ва лойиҳаларда ҳамда турли мулкчилик шаклидаги санъатга оид ишлар билан боғлиқ ташкилий-ижодий-иктисодий жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, санъат таълим соҳасининг тегишли йўналишлари билан боғлиқ комплекс масалалари мазмунини камраб олади.

##### **1.2.2. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- санъат соҳасидаги тегишли жараёнлар, ижодий фаолият жараёнлари, муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясига тегишли қоидалар, санъат соҳасининг ахборот ва дастурий таъминоти, яратилган асарлар ва уларнинг тарғиботи, ижодий ғояларини лойиҳалаш ва амалиётга татбик қилиш жараёнлари, ўкув-тарбия жараёни.

**60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши бўйича**  
бакалавриат битирувчилари Опера ва мусиқали театр хор артисти, хор хонандаси, хор  
фанлари ўқитувчиси квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

**1.2.3. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги ) таълим йўналиши бўйича**  
**бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ижодий-ижрочилик;
- ўрта маҳсус, касб-хунар, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда педагогик;
- ижтимоий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот фаолияти.

**1.2.4. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги) таълим йўналиши бўйича**  
**бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

**60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги)** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ижодий-ижрочилик фаолиятида:**

- мусиқий асарларни юксак бадиий савияда ижро этиш билан боғлиқ ижодий ишларни олиб бориш;
- уларни ижро этиш кўнималари ва замонавий мусиқий ифодалаш воситаларини эгаллаш;
- ижро этилаётган асарларнинг мазмуни, шакли ва услубини баҳолаш;
- турли хил жамоларни бириктирган ҳолда мусиқий асарларнинг ижросига раҳбарлик қила олиш;
- мусиқий асарларнинг бадиий концепциясини яратиб, театр-концерт муассасалари, оркестр ва ансамблларда намойиш қилиш;
- мусиқанинг мазмуни, шакли ва услубини тушуниш;
- ижрочилик ва импровизация ифодалиликни воситалари, мусиқанинг мазмуни, шакли ва услубини, тушуниш;
- ижро этилаётган асарнинг мусиқий образи, шакли ва маъносини тингловчига етказиши; ўзининг шахсий ижро услубини яратиш;
- жамоа ижрочилиги қобилиятига эга бўлиши керак..

**Ўрта маҳсус, касб-хунар, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим**  
**муассасаларида педагогик фаолиятда:**

- ўрта маҳсус, касб-хунар, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимининг ихтисосликка мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва якка (лаборатория) машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш усулларини ишлаб чикиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни шакллантириш ва тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиши;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш;

- ўқув-тарбиявий, услугбий ва илмий-тадқиқий ишларни режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- мусика олами ҳодисаларини мустақил англаш ва таълим жараёнига сингдириш;
- ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-тарбиявий ва илмий ишларни ташкил этишнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш.

### **Ижтимоий-маърифий фаолиятда:**

- касбий ва ҳаваскорлик бадиий жамоаларда раҳбар ва маслаҳатчи сифатида кенг кўламда мусиқий-маърифий ишларни олиб бориш, миллый ва жаҳон мусика ижодиёти, ижрочилик ютуқларини тарғиб этиш;
- ёшлар билан мусиқий-тарбиявий ишлар билан шуғулланиш, аҳоли таркибидаги ҳар хил гурух ва қатламларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни уддалаш.

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ижодий жараёнларни ташкил этиш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чикиш ва тадбиқ қилиш;
- ижодий жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- информацион технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ижодий жараёнларни мониторинги ва сифатини баҳолаш усуслари ва механизмларини ишлаб чикиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ижодий жараёнларни назорат қилиш;
- композиторлик ва композиторлик кўнікмаларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ижодий жараёнда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи композиторлик, мусиқий асар ёки уни қайта ишлаш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда мусика санъатига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий-ижодий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- мусика санъатига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўtkазиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

## **2. 60211400 - Вокал санъати (хор хонандалиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- барқарор ривожланиш ва медиа фалсафа масалаларини касбий фаолиятда қўллай олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот йифиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ҳамкорлик ёзишмалари ва электрон алоқаларни олиб бориш, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хукукий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш қўникмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиши;
- ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш, ташкилотларнинг кадрларни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиша иштирок этиш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, амалга оширилаётган ҳаракатлар учун шахсий жавобгарликни ҳисобга олган ҳолда ваколатларни таксимлаш ва бериш қобилияти;
- ҳамкорлик алоқалари ва оммавий нутқларни ўтказиш, музокаралар, учрашувлар, ҳамкорлик ёзишмалари ва электрон алоқаларни олиб бориш қобилияти;
- маданият ва санъат соҳасидаги замонавий ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнларига оид турли усул ва технологияларни таълим жараёни сифат кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиша моҳирлик;
- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

### **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

### **Таянч сўзлар:**

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, касб таълими, касбий психология, касбий педагогика, таълимда информацион технологиялар, касбий таълим дидактикаси, касбий педагогик маҳорат, педагогик технологиялар, услубиёт, вокал санъати, хонандалик, опера санъати, камер хонандалик, опера либреттоси, нафас таянчи, резонаторлар, регистрлар, диапазон, юкори позиция, мусиқий ифодалилик, мусиқий образ таҳрири, мусиқий образ талқини, ўзбек мақом санъати, хор санъати, камер хор, ижрочилик услублари, мантикий ёндашув, ария мавзулари яхлитлиги, вокал туркум, ижодий услуб, сопрано, меццо-сопрано, контратъто, тенор, баритон, бас, ария, дуэт, трио, вокал ансамбль, классицизм.

**КЕЛИШУВ ВАРАГИ  
ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:  
Ўзбекистон давлат консерваторияси**



Ректор К.Т.Уринбаев  
202 йил « \_\_\_\_ »

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни сатоқ этиш маркази**

Директор М.Х.Эсанов

202 йил « \_\_\_\_ »

**Ўзбекистон Республикаси Маданият  
вазирлиги Таълим муассасалари ва соҳани  
методологик таъминлаш бошқармаси**



Бошқарма бошлиғи С.Х.Мадиев  
202 йил « \_\_\_\_ »

М.Ў.

М.Ў.

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти**

Ректор И.Ж.Юлдашев

202 йил « \_\_\_\_ »

**Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий  
музиқа санъати институти**

Ректор О.А.Назарбеков

202 йил « \_\_\_\_ »

М.Ў.

**Ўзбекистон композиторлари ва  
бастакорлари уюшмаси**

Район Р.А.Абдуллаев

202 йил « \_\_\_\_ »

**Ўзбекистон давлат филармонияси**

Директор З.К.Заиров

202 йил « \_\_\_\_ »

М.Ў.



М.Ў.